



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «Turon»
АХБОРОТ-КУТУБХОНА

БУХОРО МЕХАНИКА ЗАВОДИНИНГ ЦЕХИ КЎЧИРИЛДИ

3-бетда

ҚИЗ ТОМОН СОВЧИ ҚЎЙСА БЎПАДИМИ?

5-бетда

АЁЛ – ЭРКАКНИНГ ИМТИХОНИДИР

6-бетда

Оила  **Ва**

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Жамият

30 (1337)-сон 2 август 2017 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

**ТЕСТДАН КЎНГЛИНГИЗ
ТЎЛДИМИ?**



#1 август

2-бетда

УШБУ СОНДА:

**ФАРҒОНА
ШАҲАРЧАСИГА
БОҒЧА КЕРАКМИ?**

ёхуд Оқолтин туманидаги Фарғона шаҳарчасида бир кун



4-бетда

**ПИЁЗГА НИМА
БЎЛДИ, ПИЁЗГА?**

4000
сўм



7-бетда

ОИЛА БУ – “БИЗ” ДЕГАНИ

Кишилик жамияти турли даврларда сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий инкирозларни бошидан кечирган. Таассуфки, уларнинг баъзилари ҳамон давом этмоқда. Айрим давлатлар халқаро иқтисодий инкироз чангалидан чиқиб кета олмаётган бир пайтда инсоният маънавий-ахлоқий таназзулга бораётгани барчани хавотирга солаётир.

Бундай емирилишлар каторига оила инкирози ҳам қўшилгани ачинарли ҳол. Фарбда оилавий муносабатлар кун сайин чигаллашмоқда. Энг ёмони, бу иллатдан четдамиз, бу муаммонинг бизга дахли йўқ, дея олмаймиз. Мамлакатимизда ҳам ажралишлар кўпайиб бораётгани сир эмас. Боболаримиз бир оила бузилса, Арш ларзага келади, дейишган. Таассуфки, ҳар кун иллат оилалар Аршни ларзага келтирмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси расми ўринбосари Гулнора МАЪРУФОВА билан шу ҳақда – ажралишларнинг сабаб ва оқибатлари, оилаларни асраш ва мустаҳкамлаш чоралари ҳақида суҳбатлашдик.

– Оилавий ажралишларнинг сабаблари кўп. Биз, одатда, хатони кўпроқ маиший муносабатлардан излаймиз, – дейди Г.Маъруфова. – Аслида оилавий

парокандалик дунё миқёсида ўзининг табиий йўсинидан анча илдамлаб кетганини, бу жараён муайян ташқи кучлар таъсирида тезлашиб бораётганини кўп ҳам ўйлаб кўрмаймиз.

Бугун “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган индивидуализм, эгоцентризм ғоялари оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда. Афсуски, ўзимиз билиб-билмай фарзандларимизни болалигидан эгоцентрист қилиб тарбиялаб қўётгандекмиз. Оила бу – “БИЗ” дегани. Бироқ кўпчилик ёшларимизда “МЕН” деган тушунча биринчи ўринга чиқиб бормоқда: “Менинг ҳаётим”, “Менинг муаммом”, “Менинг ютуғим”, “Менинг келажагим”. Бунинг хавфли жиҳати шундаки, инсон фақат ўзи учун ҳаракат қиладиган, атрофдагилар билан ҳисоблашмайдиган, ҳаётда фақат ўзига қўлай йўللарни излайдиган бўлиб қолади.

“Баъзи ёшларимиз учун меҳроқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат”, дейди Президен-

тимиз Шавкат Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқда.

Бундай ҳолатлар индивидуализм, эгоцентризм ғояларининг ёшларимиз онгу шуурига кўрсатаётган салбий таъсири натижасида юзага келмаяптими? – Тўғри, бироқ Президентимиз **Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқида** “Биз одатда жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, кўпинча четдан кирадиган таҳдидларни тушунаемиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб турибди”, дейди.

– Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Ёш оилалар орасида аризмас сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Беғуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда.

(Давоми 3-бетда)

**ОТАНИНГ
ПУШАЙМОНИ**



8-бетда

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМ, ФАРЗАНДЛАР СОҒЛОМ БЎЛСИН

Жиззах вилояти хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Оила ва жамият" газетаси таҳририяти ҳамкорлигида Жиззах шаҳрида "Эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, "Қайноналар кенгаши" раислари, тадбиркорлар, нуруний онахон ва отахонлар оилалар мустаҳкамлигини асраш, отанинг мавқеини юксалтириш ҳамда ўғил-қизларни турмушга тайёрлаш борасида ҳаётий мисоллар асосида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

– Неваралари соғлом, баркамол

бўлишини истаган ҳар бир ота-она энг аввало келинларини асраб-авайлаб, кафтида олиб юриши керак, – дейди "I-даражали Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси, ғаллаороллик фахрий ўқитувчи Ойсара Азизова. – Ҳар 45 йил мактабда ўқувчиларга сабоқ бердим. Ҳар хил оилаларда ўсган болаларнинг руҳияти билан танишман. Бола жамият учун фойдало, етук шахс бўлиб ўсиши учун аввало ота-онаси ҳамжиҳат, оиласи мустаҳкам бўлиши керак. Фарзандларимиз оиласининг қадрига етадиган ёшида турмуш курси, жуда кўп кўнгилсизликларнинг олди олинади.

Жиззах вилояти репродуктив селоматлик маркази врач-терапевти Феруза Қодирова эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини мутахассис сифатида изоҳлаб берди:

– Ҳали турмуш қуришга руҳан тайёр бўлмаётган қиз янги хо-

надонга кўникиш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келади. Қайнона-қайнона, қайн-бўйинлар олдидаги келинлик мажбуриятлари уни толиқтириши шубҳасиз. Бу орада ҳомиладор бўлиб қолса, қийинчиликлари янада ортади. Ёш онанинг саломатлиги, оиладаги тушунмовчиликлар ҳақида кўп гапирилган аммо энг ёмони, бундай келинчақларда исталмаган ҳомиладорлик кузатилади. Исталмаган ҳомиладорликдан туғилган болалар жиззаки бўлиб ўсишади. Жамиятга соғлом фарзанд бериш ўрнига бундай оилалар лоқайд фарзандларни вояга етказишади.

– "Кўзим очиклигида неварамнинг тўйини кўриб қолай", деган истак билан бобо-бувиларнинг кўпчилиги бу муаммога сабабчи бўлиб қолишяпти, – дейди Шароф Рашидов тумани "Оила" маслаҳат маркази раҳбари Дилбар Саидова. – Кексаларимизнинг орзу-ҳаваси яхши, аммо фарзандларимизнинг, не-

вараларимизнинг бахти бекам бўлиши ҳамма нарсдан муҳимроқ эканини унутмайлик.


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими раиси Меҳринисо Абдурахмонова, "Пахтакор" тумани "Боги шамол" МФЙ раиси Гулчехра Усмонова, "Оила ва жамият" газетаси масъул котиби Ҳамроҳон Мусурмонова, газета муҳбири Нигора Раҳмонова ва бошқалар оилада аҳил ва ҳамжиҳат муҳитни қарор топтиришда ва ўғил-қизлар тарбиясида ота-боболаримиз, момоларимизнинг тарбияга оид ўғитлари ҳамда ота-оналар масъулияти юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган давра суҳбатида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Фарзона НАБИЕВА,
"Оила ва жамият" амалиётчиси

ЖАРАЁН

ТЕСТДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎЛДИМИ?



daryo.uz

Маълумки, ҳар йили 1 август куни юртимизда абитуриентлар олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тест синовларидан ўтади. Президентимизнинг жорий йил 5 майдаги "2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарори асосида олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан абитуриентларга ҳар томонлама қулайликлар яратилди. Хужжатлар «1С: Университет» автоматлаштирилган тизими орқали қабул қилинди. Бунда абитуриент ҳақидаги биометрик маълумотлар тизимга киритилди ва имтиҳон топшириш учун кираётган абитуриент бармоқ излари сканердан ўтказилди.

Тест синовлари арафасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов раислигида ўтказилган умумий видеоселектор йиғилишида Президентнинг юқоридаги қарори ижроси бўйича вазият муҳокама қилинди.

31 июль куни Тошкент давлат юридик университети қабул комиссияси ва имтиҳон жараёнларига масъул қилиб тайинланган ходимлар ўртасида назорат йиғилишлари бўлиб ўтди. Айтиш кераки, бу йилги имтиҳонда текшириш, кузатиш ва назорат ишларига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, ички ишлар, божхона, прокуратура ҳамда университет ходимларидан иборат гуруҳлар жалб қилинди. Абитуриентлар икки тартибда таши ва ички назоратдан ўтказилди. Аввал хабар берилганидек, бу йил давлат тест



daryo.uz

имтиҳонларида шаффофликни таъминлаш ва адолат мезонларига сўзсиз амал қилишга эришиш мақсадида «Ўзэкспомарказ»нинг 4 та павильонини Тошкент давлат юридик университетида ҳужжат топширган абитуриентлардан тажриба-синов тариқасида янги шаклдаги имтиҳон олинди.

Абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва устозларининг ҳаяжони чексиз, негаки тест синовлари қатъий кузатувлар асосида ўтиши хусусида жиддий огоҳлантирилган. Айрим олий таълим муассасаларида ота-оналар ва оммавий ахборот воситалари тест синовларини бевосита кузатишлари учун шароитлар яратилди.

Хўш, имтиҳон қутилгандек ўтдимиз? "Шпаргалка", мобил алоқа восита-

лари, луғатлар ва бошқа ҳар хил манбалардан фойдаланишлар кузатилмадими? «Ўзэкспомарказ»да бўлиб, жараёни бевосита кузатиб, ота-оналарнинг имтиҳон ҳақидаги мулоҳазалари билан қизиқдик.

– Абитуриентларни қаттиқ текшириб киритишди, – дейишди Жиззах вилоятидан келган ота-она. – Бу йил тест синовлари адолатли ўтаётганини кўриб, фақат билимли ёшлар, шу қаторда бизнинг ҳам фарзандимиз талаба бўлади, деган умиддамиз.

Ота-оналар билан суҳбатлашаётганимизда павильон олдида қўйилган катта экран қаршисида йиғилганлар қий-чув билан яқинлашди. Экранда икки абитуриентга тест саволларини ечиб бераётган йигит ва унинг "мижоз"лари имтиҳондан чиқариб юборилаётгани тасвири кўринди.

Маълумот ўрнида

[Қалампир.uz сайти Тошкент давлат юридик университетида 150 нафар абитуриент шпаргалка, телефон ва бошқа шунга ўхшаш воситаларни олиб киришга урингани учун имтиҳондан четлатилганини хабар қилди.](#)



daryo.uz

бар қилди.

Тошкент давлат техника университетида бўлиб ўтган тест синовлари хусусида абитуриент **Мадина Бойматовна** шундай дейди:

– Аудиторияда шпаргалка, мобил

телефондан фойдаланиш имкони йўқ эди. Назоратчилар ва масъул шахслар томонидан ҳар бир абитуриентнинг хатти-ҳаракати жиддий кузатилди. Шунга қарамай, бир абитуриент тест саволлари китобини оёқ кийимига солиб деразадан ташқарига отиб юборди. Назоратчилар ва ички ишлар ходимлари томонидан далолатнома тузилиб, абитуриент имтиҳон хонасидан чиқариб юборилди.

Андижон шаҳридан боғланган муштарийимиз Миролим Исажоновнинг имтиҳон жараёнлари хусусида мулоҳазалари қуйидагича:

– Андижон давлат университетининг филология факультетида имтиҳон топширдим. Тест синовларидан олдин "Муносабат" кўрсатувида ва "Халқаро пресс клуб"да олий таълим муассасалари мутасаддилари ва ўқитувчилари ноҳақлик бўлмастлиги, имтиҳонлар адолатли, шаффоф ўтиши ҳақида бонг урган эдилар. Аммо афсуски, мен имтиҳон топширган олий таълим муассасасида "эски ҳаммом, эски тос" қабилида иш бўлди. Телефондан ҳам, шпаргалкалардан ҳам фойдаланилди. Бир-икки абитуриентнинг телефонини олиб қўйган бўлишса-да, далолатнома тузиб имтиҳондан четлатилмади. Демак, шаффофлик, адолат деган нарсалар фақат пойтахт ОТМларига тааллуқли экан-да?!

Тест синовлари тугагач, ўзимизга таниш абитуриентлар ва уларнинг яқинлари билан боғландик. Аксарият ёшлар имтиҳон жараёнлари адолатли

ўтгани, қатъий текширув билан аудиторияларга кузатишганини ва бу ҳолат албатта, ўзининг ижобий самарасини беражани эътироф этишди.

Талаба бўлиш ниятида астойдил тайёрланиб, имтиҳон топширган барча ёшларга омад ёр бўлсин. Ота-оналари ва устозларининг юзларини ёруғ қилиб, ўз билими билан талаба бўлиш насиб этсин.

У.АДИЗОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири

ОИЛА БУ – “БИЗ” ДЕГАНИ



(*Давоми. Боши 1-бетда*)

Носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар оқибатида оилалар бузилаётгани ҳар биминимизни қаттиқ изтиробга солади.

Фарзандларнинг бағри бутун бўлиб улғайиши учун аввало оилада аҳил, тотув муҳит бўлиши керак. Шу боис ота-боболаримиз ўғил уйлаб, қиз чиқараётганда бўлғуси оиланинг тинчлиги, мустаҳкамлигини сақлашга астойдил ҳаракат қилган.

Президентимизнинг топшириқлари билан мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотларининг оилаларга кириб ишлаши буйича тизим яратилди. Унга асосан, ўтган даврда икки миллион оилага кирилиб, 300 мингдан ортиқ муаммо аниқланди. Муаммоларнинг 214 мингтаси Жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан жойида бартараф этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, барча имкониятлар бўлишига қарамай, жамоат ташкилотларининг фаолияти шу пайтга қадар кутилган самарани бермаган. Оқибатда йиллар давомида жойларда оила ва ижтимоий-маънавий муҳит йўналишида турли салбий ҳолатлар кўпайиб борган.

Бу борадаги фаолиятни қайта қўриб чиқиб, оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш мақсадида Хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳалла» жамоат фонди томонидан қўшма қарор қабул қилиниб, чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳар чоршанба куни ажрашиш учун судга ариза берган оилалар маҳалла идорасига чақиртирилиб, улар билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

– **Уйма-уй юриб ўрганилганда оилалар парокандалигига қандай муаммолар кўпроқ салбий таъсир кўрсатаётгани таҳлил қилинганми?**

– Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ билан мулоқот” ғоясининг бош мақсади – шу. Одамларнинг дардини эшитиш, уларни

қийнаётган муаммоларга ечим топишдан иборат. Оилага тааллуқли бўлган ҳар қандай муаммо унинг ижтимоий-маънавий муҳитига қайсидир маънода таъсир қилади. Эр ёки хотиннинг ишсизлиги, айрим оилаларнинг уй-жойга эга эмаслиги, фарзандлар тарбиясидаги ноқисликлар, эркак ёки аёлнинг жиноятта қўл ургани, яқин қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликлар – булар оилавий муносабатларга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Худудларга чиқиб, ота-оналар ва ёшлар билан учрашиб, ажримлар сабабини ўрганганимизда қайноналарнинг ортиқча даражада талабчанлиги, ёшларнинг оилага энгил-елпи қараётгани, сабрсизлиги, муомала ва тинглаш маданиятига эга эмаслиги оқибатида ҳам оилалар бузилаётганига ғувоҳ бўлдик.

– **Кейинги пайтда қизларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги ажримларга кўпроқ сабаб бўлаётгани айтилмоқда.**

– Йигитлар-чи? Уларнинг оила қуришга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан тайёр эмаслиги-чи? Шу боис фақат қизларни эмас, йигитларни ҳам оилага тайёрлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилувчи.

Лекин оилавий масалаларни катталар, асосан қайноналар ҳал қилишини унутмаслигимиз керак. Самимий муҳит яратиш, оила аъзоларини жипслаштирадиган ҳам, низоли вазиятларни юзга келтириб, оила кут-баракасини, тинчини бузадиган ҳам катталар.

Ота-боболаримиз келин тушганидан сўнг 40 кун чилла сақлаган. Шу даврда қайноналар келинчақни ёнига олиб, рўзгорнинг паст-баландини, уйдаги шароитни ўргатган. Афсуски, бугунги замонавий қайноналарнинг айримлари ҳали ёш, тахрибасиз бўлгани сабабли келинларга қандай муносабатда бўлишни билмайди. Кўпни кўрган, нуруний қайноналарнинг тажрибасини оммалаштириш, уларнинг оила тутуми, келин ва фарзандларга муомала муносабатлардаги ҳаётий сабоқларини ёш қайноналар ўртасида кенг тарғиб этиш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш мақсадида 8 мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида “Қайноналар кенгаши” жамоат тузилмаси ташкил этилди. Мазкур жамоат тузилмалари фаолияти Тошкент ва Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрида яхши йўлга қўйилган бўлиб, улар фаолияти, амалга ошираётган ишлари Хотин-

қизлар кўмитаси вакиллари томонидан ўрганиб борилмоқда.

“Қайноналар кенгаши” томонидан “Муқаддас оила” ғояси остида “Бахтли оила”, “Мустаҳкам оила”, “Фаровон оила”, “Намунали оила” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида самимий суҳбатлар ташкил этилмоқда.

Мустақил ҳаёт бўсағасида турган қизлар ўртасида “Қайноналик илми ва санъати”, “Келинлик илми” ҳақида ҳам суҳбатлар уюштирилмоқда.

– Маълумотларга кўра, 2016 йилда биргина Самарқанд вилояти судларида оилавий муаммолар бўйича беш мингдан зиёд иш қўрилган. Афсуски, уларнинг 70 фоизи ажралиш билан яқунланган. Фақат ўн фоиз оилаларгина маҳаллалардаги яраштириш комиссияларининг саъй-ҳаракати туфайли сақлаб қолинган.

– **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ маҳаллаларда тузилган Яраштириш комиссияларининг бош вазифаси оилавий ажралишларнинг олдини олишдан иборат.**

Бироқ Яраштириш комиссиялари ўз вазифаларини етарли даражада бажармаётгани сўнгги пайтда кўп танқид қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам уларнинг иши ёнғиндан кейин етиб келган ўт ўчирувчиларни эслатади. Эр-хотин ажрашиб бўлганидан кейин ҳисобот учун ажрим сабабларини қайд қилишнинг кимга кераги бор?

Шу боис фуқаролар йиғинларидаги Яраштириш комиссиялари фаолияти ҳам тубдан қайта қўриб чиқилмоқда. Улар таркибига маҳалладаги фидойи, обрўли, бошқаларга таъсир кўрсата оладиган кекса-нурунийлар жалб этилаётди.

Худудларда ўтказилаётган мулоқотлар давомида шу нарсага амин бўлдики, агар маҳаллалар қошида ташкил этилган Яраштириш комиссиялари фаолиятини жонлантириб, уларга маҳалладаги энг намунали оила вакиллари ва фаол аёллар жалб этилса, арзиманган сабаблар билан бошланган келишмовчилик қайнона-келинларга тўри тушунтирилса, оилалар бузилишининг олдини олиш мумкин. Масалан, Яраштириш комиссиялари аралашуви билан Қашқадарё вилоятида 300 дан зиёд оила сақлаб қолинган. Бундай

рақамларни ҳар бир вилоят мисолида келтириш мумкин.

– **Рақамлар деганингизга бир рақамга – 2017 йилнинг олти ойи яқунларида кўра мамлакат бўйича 15 минг 106 оилавий ажрим қайд этилганига эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу рақам худудлар бўйича таҳлил қилинганми?**

– Албатта, таҳлил қилинган. Оила билан боғлиқ бундай нохуш ҳолатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 912 тага камайган. Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 981 тага камайганини таъкидлаш мумкин. Тошкент, Фарғона, Жиззах, Наманган вилоятларида ҳам ажримлар анча камайган. Бироқ Андижон, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидаги ҳолат қониқарли эмас.

Ҳар бир рақам инсон тақдирига дахлдор эканини, ҳар бир рақам ортда атасиз ё онасиз қолган гўдак кўз ёш тўкиб турганини унутмаслигимиз лозим. Оила қуриш ёки ажрашиш икки инсоннинг башарий иши эмас. Кимда ким: “Истасак бизга яшаймиз, истамасак ажрашамиз”, деб ўйласа, қаттиқ янглишади. Ҳар бир оила давлат ҳимоясидадир. Қайсидир томоннинг калтабин қарори туфайли оила ришталари узилишига, фарзандлар саргардон бўлиб қолишига жамият жим қараб турмайди.

Қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Айниқса, бу ҳолатнинг ёш оилалар ўртасида кўп кузатилаётгани, улар оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги бу борада олиб бораётган ишларимиз қониқарсиз эканини кўрсатади.

Халқимиз уйидаги гапни кўчага чиқармайдиган, оиласининг тинчлигини, хотиржамлигини ҳамма нарсадан устун деб биладиган ориятли халқ. Шу боис қиз бола палахмон тошига менгзалади. Келин бўлиб узатилаётган қизларимиз ортдан “Борган жойингда тошдек қот, униб-ўс, палак ёз. Ўғилларингни ўтов, қизларингни қишлоқ қил”, деб дуо қилинади. Момоларимиз ёш келинларга: “Тушган хонадонингда сув келса симириб, тош келса кемириб яшагин”, “Қийинчиликларга дуч келганингда кўкрагингга мушллаб, ўзинга сабр тилаб тургин, болам”, деб насиҳат қилади.

Оилани мустаҳкамлашга хонадоннинг ҳар бир аъзоси масъул эканини унутмаслик лозим. Қайноналар ҳам, келинлар ҳам, ота-ўғиллар, қудалар ҳам бир-бирларининг хатоларидан фожиа ясамай, оилани асраб қолиш учун астойдил ҳаракат қилсалар, бундай хонадон чинакам меҳр-муҳаббат масканига айланади.

Воҳид ЛУҚМОНОВ

БУХОРО МЕХАНИКА ЗАВОДИНИНГ ЦЕХИ КЎЧИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонаси ҳамда туман-шаҳар Халқ қабулхоналарига жисмоний ва юридик шахслар томонидан 9951 ёзма, оғзаки ва видеоқонференц алоқа шаклидаги шикоят ва мурожаат қабул қилиниб, шундан 2313 таси белгиланган муддат ичида қўриб чиқилиб, қаноатлантирилган бўлса, 5303 мурожаатга тегишли тушунтириш берилган ҳамда 1510 шикоят ўрганилмоқда. 825 мурожаат эса қонуний ижро қилишнинг илоҳи бўлмаганлиги сабабли рад этилган.

Қорақўл саноат ва транспорт коллежини тугатган, О.Бозоров ўз соҳаси бўйича анча вақт иш излади. Борган ерида телефон рақамини ёзиб олишар, тез кунда боғланишларини айтишарди-ю, аммо натижа бўлмади. У иш масаласида Халқ қабулхонасига мурожаат қилган, ўша куннинг ўзида Қорақўл туманидаги “Севинч” тўқимачилик корхонасига ишга жойлаштирилди ва доимий иш

ўрнига эга бўлди.

Бухоро тумани “Шейхон” қишлоқ фуқаролар йиғини, Шейхон қишлоғида яшовчи И.Икромов ўз мурожаатида бир неча йиллардан бери ўзига тегишли уйнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштира олмаётгани, мутасадди ташкилот томонидан ушбу ҳолат ечими пайсалга солиниши оқибатида маънавий ва моддий зарар кўрганлигини баён қилиб, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда уй-жойини номига бириктириш бўйича ҳоким қарорини қабул қилишда Бухоро туманидаги Халқ қабулхонасидан ёрдам сўраган. Ушбу ҳолат Халқ қабулхонаси томонидан алоҳида назоратга олиниб, қўриб чиқиш учун тегишли ваколатли органга юборилган ва белгиланган тартибда кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб, уй-жойни фуқаро И.Икромов номига бириктириш бўйича туман ҳокимининг қарори қабул қилинган.

Бухоро шаҳрида яшовчи Б.Хўжаев эса ўз шикоятда Бухоро механика заводи ичида нотўғри тартибда ташкил этилган цех фаолияти сабабли ундан чиқадиган тутун ҳавони инфолаштириётгани, бунинг оқибатида эса кўплаб касалликлар юзга келаётганлигидан норозилик билдирган.

– Механика заводи аҳоли яшайдиган худудда қурилган бўлиб, унинг шовқинига зўрга чидаб келаётган эдик. Аммо, кейинги вақтларда яна бир алоҳида цех ташкил этилди-ю, ундан чиқаётган ифлос ҳавога чидаб бўлмай қолди. Анча вақт давомида маҳалла худудига қарийб бир неча юз хонадон ушбу қўлсан ҳаводан нафас олиб яшашга мажбур бўлди. Ушбу ифлос ҳаво билан турли касалликлар ҳам кела бошлаган, маҳалла фаоллари билан биргаликда бир неча марта тегишли идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Аммо, қаерга бормайлик шикоятимизга панжа орасидан қараб келинди. Халқ қабулхонаси ташкил этилгани, кўпчиликнинг муаммолари қўриб чиқилаётганидан хабар топган, шу ерга мурожаат қилдик. Қисқа вақт ичида шикоятимиз қўриб чиқиш учун Бухоро вилоят табиати муҳофазат қилиш кўмитаси ва Бухоро шаҳар Давлат санэпидемназорат марказига юборилди ҳамда 2017 йилнинг 12 апрелида цех биноси Бухоро шаҳрининг ишлаб чиқиш зонасига кўчиртилди, – дейди Б.Хўжаев.

Гўзал РЎЗИЕВА

ФАРҒОНА ШАҲАРЧАСИГА

РЕПОРТАЖ

БОҒЧА КЕРАКМИ?

ёхуд Оқолтин туманидаги Фарғона шаҳарчасида бир кун

Оқолтин туманидаги Фарғона шаҳарчасида 12 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Тўрт йил илгари келганимда уйлар томидаги шиферлар минг бўлакка бўлиниб ётганига гувоҳ бўлгандим. Ўзим кўп қаватли уйда яшаганим, бундай уйларни иситиш билан боғлиқ муаммоларни яхши билганим учунми, “Қишда одамлар нима қиларкин?”, деган ўйга ботгандим.

Бу гал Сирдарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси Кенгаши вакиллари ҳамда Фарғона шаҳарчасидаги Мустақиллик маҳалласи раиси Мўтабар Мамажонова ҳамроҳлигида уйма-уй юриб, ўнлаб хонадонларни бориб кўрдик.

Мезбонлар: “Киринглар-а, иссиқ нон пишиб турибди, бир пиёла чой бор, иссиқ кунда юриб-сизлар, дам олиб кетасизлар”, дея манзирату меҳрибонлик қилишди. Муаммолардан гап очсангиз, дастлаб, бош чайқаб: “Муаммо йўқ, Аллоҳга шукур, қора қозон қайнаб турибди, бола-чақанинг тани соғ”, дейишди.

Самарқанд кўчасидаги кўпқаватли уйларнинг бирида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати таъмирлаш ишларини олиб бораётган экан.

— Бу йил сентябрь ойигача икита икки қаватли уйнинг томини янгилашимиз керак, бунинг учун “Ўзмиллибанк”нинг Гулистон шаҳар филиалидан кредит расмийлаштирган эдик. Аммо, банкдан маблағ бўлиб-бўлиб чиқарилаётгани учун иш оқсаб турибди, — деди ХУЖМШ раиси Қозим Солиев.

— Ширкат иккита кўпқаватли уйни кредит эвазига таъмирляпти, бу жуда катта муаммо эди. Ростки, куз келса, юрагим безиллаиди. Бу уйларда асосан, кам таъминланган аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Мўтабар Мамажонова. — Оқолтин туман ободонлаштириш бошқармаси ҳам катта ёрдам берди, Бекобод шифер заводи 5 та икки қаватли уй томини янгилашга ҳомийлик кўрсатди, фуқаролар ҳашар йўли билан томларни ёпмоқда.

Кўпқаватли уйларни айланар эканмиз, баъзиларнинг лоқайдлиги дилни хира қилади. Одам ўзи яшаб турган уйни тоза, озода тутиши керак-ку ахир.

— Афсуски, боқимандалар бор, — дейди Мўтабар опа. — Кичик бизнесга ва



оилавий тадбиркорликка имтиёзлар бериляпти. Иккинчи экиннинг ҳам имкони бор. Сабзавот ва мева экспорт қиладиган корхоналар дала бошидаёқ пул бериб, маҳсулот олишяпти. Имконият бўла туриб ҳаракат қилмаслик — уят.

Шу аснода Мўтабар опа маҳалланинг энг катта дарди — кўпқаватли уйлар оралигидаги эски чиқиндихонани кўрсатди. Туман ҳокими бу муаммодан хабардор экан, машина ажратибди. Чиқиндихона ботқоққа айлиниб кетган. Қуриган томонидан чиқиндилар аста-

Ўн йиллар муқаддам ёпилган “Шодлик” мактабгача таълим муассасасининг эски биносига бошлаб борди. Чақиртиканак босиб кетган, икки қаватли, мустаҳкам, аммо қаровсиз иморатнинг омборхона ва ошхонаси, иссиқхонаси тўкилгудек аҳволда...



секин ташиб кетилмоқда. Чиқиндихона яқинида яшайдиган аҳолига одамнинг ичи ачийди. Бадбўй ҳид, пашшалар киши саломатлигига таъсир этмай қолмайди. Лекин бу чиқиндихонани четдан келиб биров қилмаган-ку?

— Афсус

ски шундай, — дейди маҳалла раиси. — Бу муаммо деб, туман ободонлаштириш бошқармаси, ҳокимликнинг остонасини “тешганмиз” ўз вақтида. Шукр, ҳозирги раҳбар амалий ёрдам кўрсатди. Насиб этса бу ерни тозалаб болалар учун спорт майдончаси кураимиз.

Икки-уч йил ичида Мустақиллик маҳалласида кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқаролар сони анча кўпайди. Кийим-кечак, озиқ-овқат дўконлари, пойабзал устaxonаси, тивувчилик цехлари, дорихона, иккита музқаймоқ ва шарбат сотишга мўлжалланган кичик кафе, ошхоналарда 100 га яқин киши иш билан банд. Айниқса, Самарқанд кўчаси аввалида эски хўжалик идораси биноси таъмирланиб, “Сардоба Текстиль” Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси ишга тушган, бу ерда 100 нафардан ошиқ хотин-қиз ишли бўлди.

— Ўтган йили Мустақиллик

маҳалласининг бошқа чеккасида тери ошлаш билан шуғулланадиган “Асеан Trade Link” Ўзбек-Покистон кўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерда ҳам 25 нафар киши иш билан таъминланган, — дейди Мўтабар опа қувониб.

Самарқанд кўчасининг охиридаги файзли уйлар, очилган гуллар кайфитни кўтарди. Муволишда озиқ-овқат дўконига етганди Мўтабар опа: “Сизни тадбиркоримиз билан таништирай, ажойиб инсонлардан бири”, деб Абдужаббор ака Латифжоновнинг ёнига бошлаб борди.

— Маслаҳатлашиб гузар қуришга бел боғладик, — дейди Абдужаббор ака. — Сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, “Оталар чойхонаси” қурилади. Фақат, “Агробанк”нинг туман филиалидан кредит олиш қийин бўляпти. Езда қуриб битиришни мўлжаллагандик, аммо банкдагилар иккинчи чоракни ёпсақ, кейин кўриб чиқамиз, дейишяпти.

Мўтабар опа ўн йиллар муқаддам ёпилган “Шодлик” мактабгача таълим муассасасининг эски биносига бошлаб борди. Чақиртиканак босиб кетган, икки қаватли, мустаҳкам, аммо қаровсиз иморатнинг омборхона ва ошхонаси, иссиқхонаси тўкилгудек аҳволда...

Вайрона боғча ҳовлисидаги қўлбола супада ётган қоровул қалит учун одам юборди. Аслида бу ерда қулф-қалитга эҳтиёж йўқлиги шундоқ кўриниб турибди.

— Бино бир пайтлари тадбиркорларга берилган эди, — дейди маҳалла раиси. — Биринчи қаватида Лола опа Темирова тренажер зали очган эди. Қишлоқ ёшлари, хотин-қизлар кўп келарди бу ерга. Тепа қаватдаги бир хонада аёллар кўрпа-тўшак, ёстиқ тикарди. Ёнида Маҳлиё Мамарозиқованинг зардўзлик устaxonаси ҳам бор эди. Қизлар, келинларнинг оғи узилмас эди. Турли тадбирлар ўтарди. Аммо, бино халқ таълими тасарруфига қайта ўтказилди.

Лола Темирова кўрпа тикиш цехини Тошкент шахрига олиб кетди. Маҳлиё Гулистон шахрида. Зардўзликни ҳам ўша ерга кўчириб кетган. Лола опа тренажер залини яна ишлатишга уринди. Аммо, ишни бошлаган заҳоти туман Халқ таълими бўлими судга берди.

Шу бино маҳалла тасарруфига берилганида гуллатиб юборардик.

Тўғри, болажонларимизга боғча керак. Жудаям керак. Лекин қани ўша боғча?! Бунақа қаровсиз ётгандан кўра, тоза ва саришта тутиб туриш учун бўлса ҳам тадбиркорларга ижарага берилса яхшимасиди, деб куйинаман-да.

Мустақиллик маҳалласи раиси Мўтабар Мамажонованинг айтишича, шу ердаги кўшма корхоналар фуқаролар йиғини қошида кутубхона ташкил этишга ёрдам бермоқчи, бироқ бино йўқ. Тайёр бино эса вайронага айланмоқда.

Оқолтин тумани Фарғона шаҳарчасидаги Мустақиллик маҳалласидан олган таассуротларимиз — шу.

Зебо ҲАЙДАРОВА,
Сирдарё вилояти

СОҒИНЧ ИЛА СЎЗЛАШИБ, ҲАМ ДИЙДОРЛАШИБ...

КАДРИЯТ

Уйимизга ёндош қурилган чоғроккина меҳмонхона билан боғлиқ хотиралар гоҳ-гоҳида та-саввуримда жонланади. Ёдим-да, меҳмон келишидан аввал бу хона чинни чирокдай тозаланиб, ўртадаги хонтахтага оппоқ дастурхон ёзилар, усти мева-чеваларга тўлдириб қўйиларди.

Онам укаларимни ювинтириб, оҳорли кийимлар кийгизаркан: "Меҳмон олдида одобли бўлинглар, бир-бирингиз билан жанжаллашманг, асло овозингиз қаттиқ чиқмасин", деб қайта-қайта тайинларди. Биз қизларга эса: "Сочингизни тузатиб, тирноқларингизни олинг, келганлар билан қўлингизни кўксингизга қўйиб саломлашинг, меҳмонларнинг оёқ кийимларини артиб, жуфтлаб қўйишни унутманг!", дердилар. Уйимизда ҳар кунгидан бошқача тараддуд, байрамона кайфият ҳукм сураб, турли хил ширин таомлар ҳиди бутун ҳовлини тугитиб кетарди. Меҳмонларнинг чиройли суҳбатларидан, ора-орада бизни алқаб: "Бунчаюм одобли экан-а" дейишларидан завқланардик, кўнглимиз ўсарди.

Ёз пайтларида туманнинг нариги чеккасида яшайдиган аммаю холаларимизникига меҳмонга борганимизни ҳам эслайман. Озода ва салқин ҳовлидаги чорпоёга катталар учун алоҳида жой қилинар, биз болаларни ҳам иззатлаб, янги кўрпачалар солиб, дастурхон тузатилган супага ўтказишарди. Меҳмонларнинг тўй-маъракалар, экин экиш, йиғим-терим, ёғин-сочинлардан бошланган суҳбатлари тугаб, ахирги болалар таълим-тарбияси ҳақида сўз очиларди. Фарзандларнинг яхши одатлари тилга олинарди, баъзида тарбиянинг мураккаб жиҳатлари ҳақида ҳам гапириларди. Шунда ҳар икки томон бир-бирларига маслаҳатлар беришиб, бир-бировларини қўллаб-қувватлашарди.

Меҳмондорчиликлардан биз оламжаҳон таассуротлар билан қайтардик. Ўзимиз ҳам гоҳо "меҳмон-

(меҳмондорчилик одоблари хусусида)



меҳмон" ўйнардик. Катталардан ўрганган сертавозе сўзларни, бир-биримизга сиз-сизлаб ҳурмат кўрсатишни шу ўйин довомида қўллардик.

Азалдан меҳмондўст халқмиз. Уйда меваю ширинликларнинг энг сарасини меҳмонга деб асраймиз. Оппоқ оҳорли дастурхон ва сочиқларни, жавонда терилган асл идишларни уй-имизга келадиган азиз инсонлар хизматида шай қилиб қўямиз.

Меҳмон кутиш жараёнида ўғил бола ўзгаларга мулоз-м а т л и бўлишни, қизлар эса дастурхон ясатиш ва пазандалик сабоқларини ўрганиб боришади. Кўпчилик олдида ўзини тутиш, даврада ўтириш ва сўзлашиш одобларини фарзандлар меҳмондорчиликлар довомида яхши ўзлаштириб олишади.

"Меҳмон келар эшикдан, रिққи келар тешикдан", деган ҳикмат бор халқда. Ярим тунда эшик чертиб келган меҳмон олдида бисотидаги биттагина

отини сўйиб, таом пишириб қўйган Ҳотамтой асли ўзбеклардан чиққан бўлса керак. Ҳанузгача бошқаларга саховат кўрсатадиган кишиларга нисбатан "Жуда хотамтой одам-да", деган сифат қўлланиси бежиз эмас. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асарини қайта-қайта ўқиганмиз. Китобнинг "Қудаларни кутиб олиш" бўлимида ўзбекона меҳмоннавозлик анъаналари жуда чиройли тарзда тасвирланган: "Юсуф-бек ҳожининг ўзи иш бошида туриб, Ойбодоққа т а ш қ а р и ҳовлини тозалатар эди. Ичкарида бўлса, Ўзбек ойим қўшни хотинлардан бир нечасини ҳашарга айтиб, ҳаммасини жой-жойига қўйдирган, ҳовли юзини ҳам ёғ туша алағудек ҳолга келтирган эди. Аммо ўз уйини бўшаттириб, гилам солиб қўйганига энди уч кунлар бор, қудаларнинг зиёфати учун ҳамма нарсаларни ҳам ҳозирлатган, улар келиб тушди дегунча бўғизлатиш учун бир ғўнон қўйни оғилнинг устунига қантариб

қўйган эди".

Ажаб замонлар келди. Энди бир пайтлардагидек меҳмондорчилик олди-дан тандир-тандир нон ёпиш, қозонда қўл куйдириб қатлама-ю сомса пишириш шарт бўлмай қолди. Бундай хизмат турлари билан шуғулланадиган махсус одамлар бор. Танлаб, уларга буюртма берилса бас, тоғора-тоғора иссиқ таомларни ўзлари келтириб беришади. Ҳатто меҳмон учун ёзиладиган дастурхонни таомилдагидек тузатиб берадиганларни ҳам буюртма асосида уйга чақариш мумкин. Меҳмонни кутиш анъаналарига бундай "замонавий" тус берилаётган балки яхшиликкадир. Лекин меҳмонни кўчада кутиб, уйига таклиф қилмай кўчадан кузатиб юбораётганлар бор. Қўлимизни қаёққа узатсак етадиган бугунги даврда меҳмонни қаҳвахона ёки чойхонада кутиб, ўша жойнинг ўзидан уйига кузатиш икки ўртадаги эҳтиром туйғуларини бироз сусайтириб юбормасмикин, деб ўйлаб қолсан киши. Ахир меҳмонни уйга чорлаб, унга бутун оила томонидан ҳурмат-иззат кўрсатилишининг завқига нима етсин!

Ўзбекона меҳмондорчиликнинг яна бир яхши жиҳати бор. Узоқ-яқинлар бир-бирлари билан дийдорлашиб туриши кўнгиллар ўзаро яқинлашади, меҳр ришталари тобора мустақамроқ боғланади. Бунга замонавий психологлар ҳам тасдиқлашмоқда. Уларнинг таъкидлашларича, қариндошлар ва дўстлар кучоқ очиб кўришиши, самимий суҳбатлашиши организмда шодлик гормони – эндорфин ажралиши тезлашаркан. Натижада кайфият кўтарилиб, киши руҳан соғломлик сари муҳим кадамни кўркан! Бу ўз ўрнида ортимиздан келаётган фарзандларимиз тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Шундай экан, меҳмонлар дийдори кўнгилларимизни тобора ёритиб, уларнинг соғинчли суҳбатларидан хонадонларимиз янада файзиёб бўлаверсин.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

ҚИЗ ТОМОН СОВЧИ ҚЎЙСА БЎЛАДИМИ?

Совчилик элимизнинг қадимий удувларидан. Ўғил уйлаш ниятида бўлганлар совчилик асосида фарзандларига жуфт излайдилар. Совчиларнинг асосий вазифаси – бир-бирига муносиб ёшларнинг бошини қовуштириш. Ҳаётий тажрибага эга, кўпни кўрган, оқилу доно ва албатта, оилавий ҳаётда бахтли бўлган кишилар совчиликка танланади.

– Қизимизга совчи келди, – дейди таниш аёл. – Қизлик уй – карвонсарой. Бош устига қўриб кутиб олдик. Йигитнинг олмаси билан олмаси совчиликка келишибди. Серсаволгина аёллар экан. Ҳамма нарсани миридан сиритгача сўраб олишди. Уйдаги ҳамма рўзгор анжомларига ошқора разм солишди. Кейин билсак, йигитнинг совчиликка келган олмаси турмуши бўлмаган, икки бола билан ота уйига қайтган экан. Кейинги гал келганларди: "Бошқа жойлардан қиз қидира қолинглар", деб кузатиб юбордим. Дадаси: "Турмушни ўйин бўлиб, оиласини асраб қололмаган аёл, бировларнинг бошини қовуштириб, бахтли бўлишига қандай аралашади? Ўз ҳаётини ислоҳ қилолмаган аёлдан қандай совчи чиқади?" деб мени қойдилар. Ўғил уйлантирадиган ота-оналар совчиликка юрадиган аёлларнинг одоб-ахлоқи, ҳаётдаги ўрнига эътибор

берсалар бўларди...

"Қизнинг ҳақида эҳтиёт бўлиш аҳамиятлидир. У никоҳ билан қўл бўлиб қолади ва ундан халос бўлолмайди. (Яъни, ўзи хоҳлаганини қилолмайди, деган маънода) Эр ўзи хоҳлаган пайтда талоқ беришга қодир. Агар киши мусулмон бўлатуриб ўз қизини золимга, ё фосиққа, ё бидъатчига ёки ароқхўрга берса, у ўз динига хиёнат қилибди. Бунинг билан Аллоҳнинг газабига рўбарў бўлади, оилада раҳм-шафқатни узиб, қизига ёмонликни танлабди".

Имом Ғаззолий

Турмуш қуришдан олдин умр йўлдошини танлашга алоҳида эътибор бериш шарт. Бу борада икки ёшни қовуштириш вазифасини олган совчиларнинг масъулияти катта. Ўзаро ҳурмат, муҳаббат, ишонч ва самимият билангина оиланинг пойдевори мустақамланади. Ойла қураётган икки инсон бир-бирига ҳар томонлама муносиб бўлсагина, оила қуришдан кўзланган софлик, бахт-саодат ва хотиржамликка эришилади. Умр йўлдошини танлашга эса, унинг сифатлари ичида аҳли солиҳлик, одоб-ахлоқ ва илмлилик, маънавиятга биринчи ўринда эътибор берилиши керак. Чунки бунга умр савдоси дейдилар.

Маънавий олам, фасоҳат ва назокат умр ўтиши билан қувватланиб

боради. Одоб-ахлоқ, аҳли солиҳлик ҳам йиллар довомида сайқалланиб, зиёдалашаверади. Албатта, икки ёшнинг бундай сифатларини тўйдан аввал катталарга оби-тобида етказувчилар – совчилардир. Хайрли амал сари тугунини кўтариб отланган совчижонлар ана шу ҳақиқатни унутмасликларига керак...

Ҳар бир қиз оиланинг номуси ва шарафи. Уни муҳофаза қилиш ва сақлаш лозим. Инсон молига қанчалик сергак посбон бўлса, қизининг шарафи, иззати молидан кўра сергакроқ бўлиши керак. Эшигидан совчилар кириб келиши эса қиз иззатини оширади. Оқил одам қизини ўзига муносиб, номусини сақлайдиган, у билан қариндошлари қаноатланадиган ва қизини бахтли қила оладиган эрга никоҳлайди.

Фақат йигитлардан совчилар келишини кутиб ўтирмай, яхши хулқли йигит учраса, қизини унга узатишни таклиф этиш ҳам оқиллик ҳисобланади. Аммо баъзилар қизини келинликка таклиф қилишни қиз тарафнинг шаънига тўғри келмайди, деб ҳисоблашади. Бироқ бу нукта назарни салафи солиҳлар сийрати бекор қилади, чунки бу манманли ва жоҳилиятнинг бир қириниши. Муносиб жуфт ва бошқаларга ўрناк бўладиган йигитни қидириш, қизни ўзи хоҳлаган, синалмаган йигит билан

турмуш қуришга қўйиб беришдан кўра яхшироқдир. Ойлага номусиёб бўлган эр қизнинг аҳлига ор ва иснод келтириши мумкин.

Кейинги пайтларда "Фалончи писмадончининг ўлига қизини тикиштирибди", "Писмадончи фалончи йигитга қизига уйланишни шаъма қилибди", деган гапларни эшитаямиз. Бизнингча, бундай нарсаларга ҳайратланиш ва қизи бахтини ўйлаганларни уят қилишдан маъно йўқ, Ўғил фарзанд бўлса, қиз ҳам фарзанд. Шошма-шошарликни қоралайдиган динимиз ҳам қиз болани тезроқ узатиб, тенги билан қовуштиришга даъват этади. Қизига қандай йигит муносиблигини ота-она яхши билади. Қанчадан қанча яхши қизлар ҳеч кимнинг назарига тушмай, бахти оқилмай юрибди. Шу билан бирга қанча қизлар ўзига муносиб оилага келин бўлиб, ҳаёти текис кечмаяпти. Оилавий бахт ҳаммага бирдек зарур, нега энди ўғил фарзандга яхши жуфт излаш керагу, қиз болга совчи кутиб ўтириш ёки дуч келган одамга кузатиб юбориш керак экан? Ўғилдир, қиздир фарзандини уйли-жойли қилиш ота-онанинг бўйидаги қарз. Шунинг учун ҳам қизига муносиб умр йўлдош қидираётганларнинг иши тўғри, фикримишча.

Умида

ТУРМУШ

АЁЛ – ЭРКАКНИНГ ИМТИҲОНИДИР

УЗОҚ ЙИЛЛАР БИРГА ҲАЁТ КЕЧИРИБ, ҚЎША ҚАРИБ, ТУРМУШ АЧЧИҚ-ЧУЧУГИНИ ТАТИГАН, БИР-БИРИГА ДАЛДА БЎЛИБ, ГЎЗАЛ ТАРБИЯ БИЛАН ФАРЗАНДЛАРИНИ ЭЛГА ҚЎШГАН ИНСОНЛАР ҲАЁТ ЙЎЛИ ТОМ МАЪНОДА ИБРАТДИР.

ОИЛА МЕҲНАТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Мажид Нуримов 1938 йили Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманида туғилган. Узоқ йиллар ёш авлодга математика фани сирларини ўргатган. айна кунда кексалик гаштини сурмоқда. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси. Норчучук Нуримова 1942 йили Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманида туғилган. Бошланғич синф ўқувчиларини ўқитган. Бугун кексалик гаштини сурмоқда.

Бу жуфтлик эллик уч йилдан бери ҳамфикр, бир-бирига суяниқ, бир-бирига кўнгилдош. Мажид ота ва Норчучук ая Нуримовлар хонадонидида тўрт ўғил, тўрт қиз вояга етган. Саккиз фарзанднинг бари ҳаётдан мамнун. Ўқимишли, зиёли ўғил-қизлари, келин-куёвлари Мажид ота ва Норчучук аянинг юзларини ёруғ қилиб, эл-юрт хизматидан толмайди. Пиру бадавлат кексалар ўн тўққиз нафар неваря-эваранинг дуои жонини қилиб, Аллоҳдан юртга тинчлик, элга омонлик, ризқ ва барака сўраб, умргузаронлик қилишмоқда.

– Қайсики оила бахтли, хотиржам, фаровон бўлса, билинги, бу оиланинг аёли фидойи ва сабрли. Бахтли турмушнинг қоидаси битта – аёл оқила бўлиши керак, – дейди Норчучук ая. – Яъни, уйнинг галини кўчага чиқармайдиган, ота-она яқинларга етказмайдиган даражада “соқов” бўлса,

оиланинг ички муаммоларига четдан одам аралашмаса, эр-хотиннинг муносабати ўз-ўзидан йўлга тушиб кетади.

Сув бир лойқаланиб тинади, дейди халқимиз. Ҳар бир оилада келишмовчилик, диққатпазлик, тушунмовчилик бўлади. Аёл эркакдан бир поғона



паст тушиб, оқилалик билан вазиятни юмшатса, машаққат ўтади. Фарзанд тарбиясида ҳам отадан кўра она кўпроқ масъул, деб ўйлайман. Отанинг бўй баста, юриш-туриши, ўрни, нигоҳининг ўзи тарбия! Ота ўз мақомида хурмат қилинган оилада фарзанд тарбиясида нуқсон бўлмайди.

– Оила доим меҳнатни талаб қилади, – дейди Мажид ота. – Масъулият ва бурчни фақат битта одамга юклаб қўйиш билан оила, оила бўлмайди. Эр ҳам, хотин ҳам масъулиятни бирдай англаб интилиши керак.

ЭРКАК ЎЗ ОИЛАСИДА ЭЪЗОЗЛАНСА...

Абдубанно Холмонов 1952 йил Наманган вилояти, Уйчи туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини мактабдан бошлаб, кейинчалик то пенсия ёшигача тумандаги “Уйчинома” газетасида муҳаррирлик қилган. Юлдузхон Юсупова 1955 йил Уйчи туманида туғилган. Наманган давлат университетининг бошланғич таълим факультетини тамомлаган.



Қирк икки йилдан бери турмуш муштига, ҳаёт қувончларига биргаликда кўкрак тутиб келаётган қахрамонлар беш нафар фарзандини тарбиялаб, ўқитиб, элга қўшган. Фарзандлари олий маълумотли. Ун уч набира бобо-бувиси меҳридан баҳраманд бўлиб улғаймоқда.

Биз пиру бадавлат кексалардан бахтли оила сирини ҳақида сўрадик.

– Тақдир-да, фалокат бўлиб ўттиз тўрт ёшда умуртқа суягим синиб, ётиб қолдим, – дейди Юлдузхон ая. – Болалар ёш эди. Турмуш ўртоғим дардни малол олмай парваришлади: ҳам иши, ҳам уй-рўзғор юмушини бажарганди. Агар сабр ҳайкалини чизиш юкланса, уни турмуш ўртоғим қиёфасида тасвирлардим. Энг қийин пайтларда бир-биримизга, тилга кўчмас, кўнгил хазинада пинҳон муҳаббатга суяндик. Фарзандлар бири хорижий компанияда мутахассис, бири олий ўқув юртида ўқитувчи, яна бири молиячи, қизларим ўқитувчи. Икки келиним ўқитувчи, кенжа келиним ҳисобчи. Қийин кунларни эслагимиз келмайди. Ортда қолган машаққатлар бугунги саодатли кунлар даракчиси бўлган, деб ўйлайман...

– Бахтли оиланинг сирини – аёлда, – дейди Абдубанно ота. – Жуфти ҳалоли эркакнинг – имтиҳонидир. Мен Аллоҳнинг суйган бандаси эканманки, шундай жуфти ҳалол билан сиёланганим. Фарзандларимнинг муваффақияти аёлимнинг тарбияси самараси. Эркак уйдан хотиржам бўлса, ишида унум бўлади. Эркак уйда ҳурматли, иззатли, севимли бўлса, оиласи бағрига ошиқади. Ҳар доим фикру ёди оиласида бўлади. Бу бахтли оиланинг муҳим асосидир.

БАХТ СИРИ – САБРДА

Абдуҳалил Расулмухамедов, 1946 йил 10 июнда Тошкент шаҳри Яққасарой туманида туғилган. Мукаррам Расулмухамедова (Мирхусанова) 1946 йил 5 декабрда Миробод туманида туғилган. Иккиси ҳам олий маълумотли. Узоқ йиллар халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида, оддий ишчидан раҳбар лавозимигача хизмат қилишган.



Жуфтлик 1968 йил 19 июлда оила қурган. Абдуҳалил ота ва Мукаррам ая оиласида беш фарзанд дунёга келиб, вояга етган. Улар бир этак неваря-эвараларни алқаб, кексалик гаштини сураётганлардан.

– Бахтли турмуш сирини – сабр-тоқат ва меҳнатда, – дейди Мукаррам ая. – Келин бўлганимда турмуш шароитимиз унчалик яхши эмасди. Ўчоқда

овқат пишириб, чой қайнатиб қайнона-қайнота дуосини олганмиз. Қийинчиликларни сабр ва ақл билан енгиш, катталарга қулоқ тутиш, уларнинг тажрибасидан ибрат олиш орқали пиру бадавлатлик мартабасига эришдик. Сабрда гап кўп экан. Бугун ҳамма шароит бор — кир ювадиган, идиш ювадиган машинагача, уй тозалайдиган чангюткичдан, гўштқиймалагичгача. Аёллар меҳнати осонлашган. Лекин афсуски, ёшлар тўқликка шўхлик қиялтими, ё сабр-тоқат унутилиб боряптими, оилавий келишмовчиликлар кўпайган. Илгари уч-тўрт, ҳатто олтигача овсин бир ҳовлида яшашар, аҳиллик, иноқлик бардавом эди. Ҳамжиҳатлик, сабр-тоқат ва ўзаро ҳурмат мустаҳкам жойда барака, файз ва хотиржамлик бўлади. Афсуски, айримлар бугун бундай нарсаларни тушунмайди. Қайнотам раҳматли юз ёшда оламдан ўтди. Аллоҳ раҳмат қилгур, ота-онам, қайнота-қайнонам: “Болаларим, ҳар доим қалбингиз, тилинги, амалинги билан одамларга яхшилик қилинг. Ҳаттоки сизга ёмонлик қилган одамга ҳам яхшилик қайтаравинг. Токи, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир амал фарзандлар ҳаётига таъсир этади”, деб уқтирарди. Ана шу ўғитини ҳеч қачон унутмадим ва шукр, бугун фарзандларимдан хотиржамман.

– Эркакнинг бахти – аёлининг фаросатли, оқила ва ҳар доим эридан ўзини бир поғона паст тутишида, – дея сўхбатга қўшилди Абдуҳалил ота. – Фаросатли аёл қийин вазиятлардан сабр-қаноат ва закийлик билан чиқиб кетишни уддалайди. Ўзини жуфти ҳалолидан бир поғона паст тутган ва фарзандлари олдида отасининг мақоimini кўтаролган аёл эса бир умр меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эъзозда яшайди.

БАРАКАЛИ УЙ

Бурхонов Саломхон ота 1935 йил 15 ноябрда, Турсунова Майрам ая эса 1941 йил 8 мартда Термиз тумани Мангузар маҳалласида туғилган. Тўрт ўғил, тўрт қизнинг ота-онаси.

Саломхон ота 1964-1967 йилларда Термиз тиббиёт билим юрти, 1972-1977 йиллар Термиз давлат педагогика институтининг сиртки бўлимини тугатган. Меҳнат фахрийси.

“Жайронхона” шифохонасида бош фельдшер лавозимида 30 йил ишлаб, шу ердан нафақага чиққан. Майрамхон ая “Жайронхона” шифохонасида 25 йил бош ошпаз вазифасида ишлаган.

Фарзандлари Саломхон ота ҳақида шундай дейишади:

– Дадажоним – жуда самимий, кўнгил тоза инсон. Бировнинг дилини оғритмайди. Бизга ҳам шуни уқтирадилар ва доим кечиримли бўлинглар, дейдилар. Онажоним оналар ичида энг яхшиши, десак муболаға



бўлмайди. Чунки биз улар учун ҳалиям гўдакмиз. Тарбиямизда аввало одоба, сўнг билим олишга эътибор қўлганлар. Ҳаммамизни ўқитиб элга қўшдилар. Келин ва куёвларини фарзандларидан ортиқ кўрадилар.

– Оиланинг маънавий қиёфасини албатта эркак яратади, – дейди Саломхон ота. – Эркак ҳурмат қилинган хонадонда барака бўлади...

Умида ТУRSУНОВА тайёрлади.



Саволларга Тошкент шаҳар 3- юқумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори, Қаҳҳор РАШИДОВ жавоб берди.

ТОНЗИЛЛИТ ДАН ХАЛОС БЎЛИШ МУМКИНМИ?

– Етти яшар ўғлим бор. Ёзда тез-тез томоғи оғриб, безовта қилади. Айниқса, музқаймоқ, яхна ичимликлардан сўнг дарди қайтланади. Шифокорга олиб борсам, тонзиллитнинг тез-тез қайталанувчи формаси ташхисини қўйди. Бу қандай хасталик? Фарзандим бу касалликдан халос бўлиши учун, нималарга эътибор беришим керак?

– Болаларда сурункали тонзиллит белгилари кўпроқ парҳезни бузиш натижасида, таксик аллергик формалардан келиб чиқади. Касалликнинг асосий сурункали ўчоғи, яъни манбаи бу стафилококк инфекцияси. Тонзиллит кўпроқ 3 ёшдан кейин ривожланади. Бола ўзи мустақил юриши бошлагач, ердаги нарсаларни оғзига солиб, муздек ичимликлар ичиши орқали бодомча безларига инфекция тушиб, яллиғланиш бошланади.

Тонзиллитни даволаш учун энг аввало, ёш болаларда парҳезни ушлаб туриш керак. Газли ичимликлар, мош, нўхот, писта, бодом каби қақиладиган егуликларни камроқ истеъмол қилиш зарур. Тўғри, ҳар бир боланинг соғлом ўсиши, ривожланиши учун унинг организмига озик-овқат маҳсулотлари, яъни витаминлар зарур. Биз юқорида санаб ўтган егуликларни отаналар боласига берганидан сўнг унинг ортидан қайнатиб совутилган сув беришса боланинг томоғида инфекциядан зарарланиш хавфи йўқолади.

Тонзиллитни даволашдан олдин энг аввало, тўғри ташхис қўйиш зарур. Аниқ ташхисга эга бўлиш учун боланинг томоғидан суртма олиб, уни текширтириш керак. Агар аниқ ташхис қўйилмасдан даволанса, боланинг организмига акс таъсир қилади. Яъни нотўғри қабул қилинган антибиотиклар ошқозон ичак флорасида бузилишлар пайдо қилади, дисбакте-

риозни келиб чиқишига омил яратади. Тонзиллитнинг ўткир формасида болага витамин ичириш тавсия этилмайди. Касаллик хуружи пайтида шифокор билан маслаҳатлашиб, антибиотик ичириш зарур. Унга кўшимча табиий дори воситаларидан мойчечак даммасини ичириш, фурациллин эритмасига томоқни чайиш ҳам яхши фойда беради. Тонзиллит кўпинча 7 ёшдан сўнг ўтиб кетади. Сурункали тонзиллит оёқ оғриги, сўнгра ревматизмни келтириб чиқаради. Бу эса орттирилган юрак порогини ҳосил қилиши мумкин.

МАСЛАҲАТ

– Болаларда сурункали тонзиллит белгилари кўпроқ парҳезни бузиш натижасида, таксик аллергик формалардан келиб чиқади. Касалликнинг асосий сурункали ўчоғи, яъни манбаи бу стафилококк инфекцияси. Тонзиллит кўпроқ 3 ёшдан кейин ривожланади. Бола ўзи мустақил юриши бошлагач, ердаги нарсаларни оғзига солиб, муздек ичимликлар ичиши орқали бодомча безларига инфекция тушиб, яллиғланиш бошланади.

ТОНЗИЛЛИТНИ ДАВОЛАШ



Газли ичимликлар, мош, нўхот, писта, бодом каби қақиладиган егуликларни камроқ истеъмол қилиш зарур



Аниқ ташхисга эга бўлиш учун боланинг томоғидан суртма олиб, уни текширтириш керак.



Егуликдан сўнг унинг ортидан қайнатиб совутилган сув беришса боланинг томоғида инфекциядан зарарланиш хавфи йўқолади



Мойчечак даммасини ичириш, фурациллин эритмасига томоқни чайиш ҳам яхши фойда беради



Тонзиллитнинг ўткир формасида болага витамин ичириш тавсия этилмайди.

ТУМОВМИ, АЛЛЕРГИЯМИ?..

— Ёшим 45 да. Уч нафар фарзандим бор. Ёз фасли келди дегунча бурним битиб, нафас олишим қийинлашади. Турли антибиотиклар, даммалар фойдасини сезмайман. Ёзги тумовнинг даъвоси борми? Уй шароитида қандай табиий воситалардан фойдаланиш мумкин?

– Бу мавсумий аллергик касаллик. Баъзилар уни шамоллашга йўйиб, ўзларича турли антибиотиклар қабул қилишади. Касалликнинг илк белгилари тумовга ўхшайди. Бурун битиб, кўз ёшланади, тез-тез акса уради. Ундан ташқари лоҳасланиш, томоқ ҳамда бурундаги қичишишлар одамни безовта қилади. Тез-тез томоқ қириш натижасида атрофдаги одамлар олдида нуқулай аҳволга тушиш кузатилади. Бу касаллик организми жуда секин тарқ этади. Унинг кучли формаси парҳез бузилганида намоён бўлади. Кўпроқ баҳор фаслида, дархатлар уйғонганида бошланиб, терак гуллаганида авж олади. Кўчакўй, хиббонлардаги теракларнинг

учиб юрадиган оқ гули аллергия кўзғатувчи ҳисобланади. Айрим одамларда бугдой пишган паллада унинг қипиқларига хасталик кучаяди. Ёки уйдаги чанг, турли ўткир ҳид таратувчи ёқимли атирлардан боши айланиб, кўнгли беҳузур бўладиган одамларда ҳам аллергияга мойиллик кучли бўлади. Айниқса, аллергияга мубтало бўлган хотин-қизлар сартарошхоналардаги турли пардоз-андоз ашёларидан тараладиган ҳиддан ҳам кўнглилари беҳузур бўлишади. Ошхонада қиздирилган ёғ ҳиди, ҳаттоки пиёзни ёнига борса, акса урадиганлар ҳам бор.

Энг аввало, аллергияга ҳис қилиш органлари юқори бўлган одамлар кўпроқ чалинади. Бунинг

халқ тилида кўнгли нозик, дейишади. Аллергияга мойиллиги бор одамлар озода, тоза, шинам хонада ўтирсалар ҳам, ўзларидан анча узокдаги чангни ёки ҳидни ҳис этиб туришади. Аллергияга кўп эътибор бериб, ҳар бир нарсадан инжиқлик қилмасдан озгина юракни кенг қилиш зарур. Ундан ташқари аллергияни олдини олиш учун ўша касаллик тарқатувчи микробларга оз-оздан мослашишни ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бунинг оддий тилда касалликка мослашиш деса ҳам бўлади. Шунда инсоннинг организмида аллергияга қарши курашишга иммунитет пайдо бўлади. Уни аниқлаш учун аллерголог консултациyasi зарур ва шарт. Ташхис учун эса иммунотахлил (анализ) топшириш керак. Аллергияни келтириб чиқарувчи ҳақиқий омил аниқлагандан сўнг уни даволашга киришилса, фойдаланилган дори-лар албатта, доронга айланади. **Нигора тайёрлади.**

БУГУННИНГ ТАПИ

Бугун одамлар дам картошканинг дам сабзининг нархи ошиб кетаётганидан нолишяпти. Гўшнинг баҳосинику тушуниш мумкиндир, пиёзга нима бўлди, пиёзга? Хозир айни ёз, пишиқчилик пайти бўлса, нега полиз маҳсулотлари бунча қиммат?

Кўйлик, Чорсу, Олой бозорларини айланиб сотувчи ҳамда харидорларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.

ПИЁЗГА НИМА БЎЛДИ, ПИЁЗГА?

– Бир неча йилдан бери Олой бозорида пиёз сотиб, тирикчилик қиламан, – дейди сотувчи Шарифжон ШАРОФОВ. – Пиёзнинг испанский ва қарсилдоқ наварининг 1 килограммини 4.500 сўмдан сотаямиз. Қарсилдоқ кўпроқ Ғазалкентда етиштирилади. Бу йил картошка кам бўлгани сабабли қишда Покистон, Эрон, Белорусдан сотиб олинди. Эшитишимча, энди бизнинг деҳқонларимиз етиштирган пиёзлар Эрон ҳамда Покистонга экспорт қилинаётганмиш. Шу сабаб нарх-наво кўтарилиб кетди.



Чорсу бозорида савдо қилаётган Ниёзжон исмли (фамилиясини айтишни истамади) сотувчининг ҳам фикрларига қулоқ тутидик.

– Майдорқ пиёзларни уч килосини ўн минг, йирикларини эса 3.500-4.000 сўмдан сотаямиз. Ўзим ҳам томоркамда картошка, пиёз етиштираман. Пиёз серўт бўлгани учун меҳнати кўп. Кўчати кўчириб ўтқазилса, ҳосилдорлиги яхши бўлади. Мунтазам суғорилмаса, таъми аччиқ бўлиб қолади. Касалликка қарши тез-тез дори-дармон бериш керак.

– Бир неча йиллардан буён Кўйлик деҳқон бозорида пиёз сотаман, – дейди Ҳамид Хамидов. – Улгуржи бозордан 3.300 сўмдан олиб чиқиб, 3.500 сўмдан сотаямиз. Айни кунларда Қоратол навига эҳтиёж кўп. Қоратол юпка пўчоқ, сувли бўлади. Жиззах ҳамда Оҳангарондан келтирилади. Сентябрь ойидан бошлаб бозорларимизда халседон навини сотишни бошлаймиз. Қизил пўчоқли, совуққа чидамли. Деҳқонлар уни август охири сентябрь бошларида мезон шамолини едирганидан кейин қовлаб олишади. Мезон шамолини еган пиёз, чиримайди. Айрим деҳқонлар бу йил пиёз қиммат бўлишини башоратлаб, ҳосилни музлаткичларга солиб қўйишяпти.

– Қўйи Чирчиқ туманида яшайман, – дейди 58 ёшни қаршилаган Олмасхон ая Аҳмадалиева. – Икки ўғил, икки қизимни уйлантириб, уйли-жойли қилганман. 450 минг сўм пенсия оламан. Оиламизда 10 киши яшайди. Бизга 2-3 килограмм пиёз урвоқ ҳам бўлмайди. Бир ҳафтага 8-10 килограмм сотиб оламан. Оиламиз катта, тез-тез хоним, манти қилиб бермасак, йигитларни тўйдириш қийин. Бозорга тушганимда нарх-навоми кўриб, хафа бўлиб кетаман. Кийим-кечакни-ку, ямаб-ясаб кийиб кетаверамиз, аммо қоринни тикиб бўлмайди. Қора қозонни қайнатиш учун бозорга чопамиз, бу ерда аҳвол ҳалигидай. Пиёзнинг нархи нега бунча қиммат, десангиз ҳамма елка қисади. Ахир, бунинг жавобини кимдир билиши керак-ку?

Акмал МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси:

– 2017 йил 15 май ҳолатига кўра республика бўйича жами 43.785 гектар майдонга пиёз экилган. Бу 963 минг тонна ҳосил дегани. Бир гектар ердан 22 тонна ва ундан юқори ҳосил олинади. Бугун бозор расталарида сотилаётган пиёзлар январь-февраль ойларида плёнка остига сепилган. Плёнка остига экиш катта харажат. Ундан ташқари меҳнати ҳам кўп. Кун исини, совийига қараб плёнка очиб, ёпиб турилади. Табиийки, иш ҳақи ҳам шунга яраша бўлади. Баҳорги пиёз кузгисига қараганда ҳосилни кам беради. Шу босиб бозорларимиздаги нарх-наво вақтинчалик қиммат. Насиб бўлса, яқинда кузги пиёзлар қовлаб олиниб, бозор расталарига чиқади.

Сотувчи-ю мутахассислар хатто ерга уруғ қадаган деҳқонларнинг фикрларини ҳам эшитдик. Аммо пиёз нега қиммат деган саволга ҳеч кимдан аниқ жавоб ололмадик. Дарвоқе, пиёз нега қиммат?

**Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири**

МАКТУВ

«Қулоқ сол, ўғлим. Бу сўзларни ухлаётган пайтингда айтяпман: жажжи қўлларинг чакканг тагида, сарғиш сочларинг эса терлаган пешанангда ёйилган.

Хонангга оёқ учида юриб, билдирмай кирдим. Бир неча дақиқа аввал кутубхонада газета ўқиб ўтирарканман, пушаймонликнинг оғир тўлкини шиддат билан мени қамраб олди. Каравотчанг тепасига ўз айбимни ҳис этиб келдим.

Мана, нималарни ўйладим, ўғлим. Ўзимнинг ёмон кайфиятимни сенинг устингга тўкиб юбордим, гўё. Кийнаётганингда, сени сўкиб, ҳақорат қилдим, мактабга отланаётганинг, юзингни ҳўл сочик билан артиб турганинг, пойафзаллими тозаламаганинг учун қаттиқ койдим. Кийимингдан ниманидир олиб, полга ташлаганингда, ниҳоятда жажлим чиқиб, бақриб юбордим.

Нонушта устида ҳам сенга ёпишдим. Чойни полга тўкиб юбординг. Овқатни очкўзларча тановул қила бошладинг. Бармоқларинг стол устига қўйдинг. Нон устига ёғни кўпроқ суртиб юбординг. Ўйнагани ташқарига чиқиб кетаётганингда мен поездга шошиб турганим. Менга бурилиб қараб, қўлингни силкидинг ва: «Дада, хайр, кўришгунча!», дединг. Мен эса қовоғимни уйганимча: «Елкаларингни тўғрила», дея дашмон бердим.

Сўнгра кун охирида ҳаммаси яна қайтадан бошланди. Йўлақдан уйга борар эканман, шарчлар билан тизалаб ўйнаганингни пайқаб қолдим. Пайпоғингга тешиклар бор эди. Ўртоқларинг олдида сени камситдим,

ОТАНИНГ
ПУШАЙМОНИ

Қалбларни энтиктирувчи ушбу сатрлар бутун дунёни кезиб чиққан, афсуски, бизда жуда кам одам ўқиган. Шунинг учун сизга ҳам илдиндик.

“Баъзан унча катта бўлмаган асар ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада муваффақият қозонади. Мазкур бадиҳа ҳам, шубҳасиз, ана шундай мавқега эришди”, – деганди унинг муаллифи У. Ливингстон Ларнед.



олдимга тушиб, уйга киришга мажбур этдим. Пайпоқлар жуда қиммат, агар ўз пулингга олганингда уларни авайлардинг, дедим! Англяяпсанми, ўғлим, бу гапларни мен – сенинг отанг айтяпман!

Эсингдами, кейин кутубхонага кирдинг. У ерда ўқиб ўтирардим. Журъат-сизгина, оёқ учида юрардинг, халал бераётганингни айтдим. Гангиб, эшик ёни-

да тўхтадинг. «Сенга нима керак ўзи?», дея ўшқиргудек бўлиб сўрадим.

Ҳеч нарса демадинг, аммо бирдан чопиб келиб, бўйнимдан кучоқлаб олиб, ўла кетдинг. Қўлчаларинг мени меҳр-муҳаббат билан қисар. Худованди Каримнинг кўнглингга солган бу меҳри менинг эҳтиётсизлик билан йўл қўйган хатоларимни ҳам буткул ювиб юборган, мени адоий тамом қилганди. Шундан сўнг жажжи оёқчаларингни бир-бир босиб, зинадан юқорига чиқиб кетдинг.

Шунда қўлларимдан газета сирғалиб тушди, бутун вужудимни дахшатли, кўнглини айнитадиган қўрқув қоплади. Бу одатлар мени қандай аҳволга солиб қўйди, ўзи? Хархаша одати, ҳадеб койимок – кичкина бўлганинг учун менинг сенга берган мукофотим ана шу эди. Сени яхши кўрмайман, дейишим мумкин эмас, аммо гап шундаки, мен болалик даврингданоқ сендан кўп нарсани кут-

ганман ва ўзимнинг йилларим билан сенга катта талаблар қўйибман.


Сенинг табиатингда эса соғлом, гўзал, самийий жиҳатлар шунчалик кўпки, бу беғубор кўнглинг улканлигидан далолат беради, у ҳов анови тепалиқлар ортидаги тонги нурга ўхшайди. Шиддат билан бағримга ўзингни отганингда бу намоён бўлган эди. Уйқуга ётишдан олдин мени ўпиш учун кирган эдинг. Бугун бундан бошқа ҳеч нарсанинг аҳамияти қолмади, ўғлим! Мана, қоронғида каравотинг тепасига келиб, минг бир хижолатга тушиб, олдинда тиз чўкаяпман!

Бу жуда заиф ҳолда гуноҳни ювиш демақдир. Биламан, уйғонганингда, бу гапларни айтсам, барибир тушунмас эдинг, ўғлим. Аммо эртага мен ҳақиқий ота бўлмоқчиман! Сен билан дўст бўламан, қийналсанг, ранжисанг, бирга қийналаман, кулсанг, бирга куламан. Жаҳлим чиқанида, бирорта аччиқ сўз айтадиган бўлсам, тилимни тишлаб оламан. Мен: «У ҳали бола-ку, сенинг боланг», деган гапни худди қасамд каби тинмай такрорлайман».

Сени воёга етган эркак ўрнида кўрганимдан қўрқиб кетдим. Ҳозир эса, ўғлим, каравотинг тепасида сенга ҳорғин термилиб турар эканман, тушунман, сен ҳали кичкинтойсан. Кечагина онанг қўлида эдинг, бошинг унинг елкасида эди. Мен сенга ҳаддан зиёд талабчанлик қилганман, сенга ҳаддан ортиқ талаб қўйганман».

У. Ливингстон Ларнеднинг
“Ухлаётган ўғилга ота хати”
бадииси

Фатхулла Намозов таржимаси



Тушдан бери қорни оғриётган бўлса-да, бу ҳақда онасига айтолмади. Офтобда қорайган нимжон қўли билан қоринни маҳкам чангаллаб, кўрпачага чўзилди.

– Урунгнига қирин келгурлар, мени ажалимдан беш кун аввал ўлдирди булар, яна нимага чўзилиб ётибсан, – деди онаси ғазаб билан.

Болакай индамади. Онаси кечки овқат вақтигача яхшигина юрганди, қоронги кира бошлагач, у ёқ-бу ёққа телефон қилиб, дадасининг қаерда юрганини аниқлолмагач, бирдан авзойи бузилди.

– Самад! Нима қилиб ётибсан, яшшамагур?! Мундоқ ўрнингдан туриб дастурхонни йиғиштириб қўйсанг бўлмайди, текин томоқ, – онаси зарда билан коса,

пиёлаларни бир-бирига уриб йиғиштира бошлади.

Негадир онасига раҳми келди. “Катта бўлсам сизга энг чиройли қўйлақларни олиб бераман, аяжон”, демоқчи бўлди-ю, гапиролмади. Оғрик яна кучайди. Тишини-тишига босди. Осмондаги юлдузларни санади: “Бир... икки... анави бир тўда юлдуз катта чўмигача ўхшайди... Ҳозир аямга айтсам, қоринимни боғлаб қўяди”.

Аммо дардини айтолмади. Кўнглида бир қўрқув бор: Онаси ҳар сафар дадаси билан уришганда: “Манави зормандларни ташлаб кетвораман”, деб дағдағ қилади. Шу сўзни эшитганда Самаднинг кўнгли бир қарич чўқади. Ана, қўшниси Ҳалил аканинг невараси Жунайнинг отанаси ажрашиб кетишган. Онаси бошқа эрга теккач, Жунай тоғаларининг қўлида қолган экан. Ўзи Самаддан икки ёш катта

бўлсам, ҳаммага мўлтираб тикилади. Бировнинг молини боқади. Бировнинг боласига қарайди. Бир марта Самад кирганда, болаларнинг иштонини ювиб ўтирган эди...

Кўрпачанинг бир четини устига торти. Оғрик сал босилди. Шу пайт дарвоза тарафдан қадам товушлари эшитилди. Сўнг дадаси томоқ кирди.

– Ҳа, эртароқ келибсизми?! Юравермайсизми, кўнглингни хушлаб, – дея заҳарханда оҳангда уни кутиб олишга чиқди онаси.

“Энди жанжал бўлади. Ишқилиб дадам пул олиб келган бўлсин-да, бўлмаса, аям бугун бизни ташлаб кетворади”, деган ўй ўтди Самаднинг кўнглидан.

– Бирор марта одамга ўхшаб яхши гап билан кутиб олсанг бўлмайди, а? – деди айвонга яқинлашган дадаси муроса оҳангиди.

– Одамга ўхшаб, эртароқ келсангиз кутиб оладими, бола-чақам бор, хотиним кутиб ўтираркан деб уйламангангиз... Қайси кўчаларни сангиз келяпсиз?!

– Ўчир овозингни, болалар уйғонади! Самаднинг қорнидаги оғрик биқинига ўтди. Белиям зирқароб оғрий бошлади. Кўнгли айниб, қайт қилгиси келди. Аммо лабини маҳкам қимтиб, даммини ичига ютиб ётаверди.

– Уйғонса, уйғонар, жонимга теғди. Шу бугуноқ кетаман, барини ташлаб...

– Ташлаб кет! Жавобингни берсам суноасанми? Йўқол, бунақа ҳаёт ҳиқилдоғимга келди! Ҳозироқ даф бўл!!!

“Тамом, энди Гулчирой иккаламиз Жунайга ўхшаб ҳар кимларга зор бўлиб юрамиз”, деб ўйлади Самад. Кўз олди қоронғилашиб, ич-ичидан ўқчиқ келди.

ОЛТИН РИШТА

Қорнидаги оғрик бутун вужудини эгаллаб олгандек эди. Бирдан боши айланиб, ичаклари ағдарилиб, бўғзига тикилгандек бўлди. Кўз олдида майда юлдузчалар пайдо бўлди...

Унинг аҳволини қўриб, бир тарафдан онаси, бир тарафдан дадаси югуриб келаятганини элас-элас илғади: “Энди ажрашиб кетишмайди”, деган ўй кўнглидан ўтди...

Эшик очилиб, оқ халат кийган дўхтир кириб келди ва Самаднинг каравоти ёнига ўтирди.

– Бизни жуда кўрқитвординг-ку, шоввоз. Нега қорнингда оғрик бошланиши билан аянгга айтмадинг, сал бўлмаса кўричагинг ёрилиб кетарди...

Болакай дадаси билан аясига қараб кўзларини пирпиратди.

– Энди ажрашмайсизларми?
– Йўқ, болам. Сенга ким айтди буни? – деди дадаси.

– Ҳеч ким, – дераза оша ташқарига тикилди болакай. – Энди ажрашиб кетсанглар ёмон-да... Гулчирой ҳали кичкина...

Дадаси нима дейрини билмай бир муддат унга тикилиб қолди. Сўнг шошапиша онасига кўз ташлаб оларкан деди:
– Ақрашмаймиз тойчоғим, ажрашмаймиз.

Бу гапдан кўнгли ёришиб, сал бежо ҳаракат қилди, чоғи биқинида оғрик турди. Афти буришиб, кўзига ёш тўлди ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда эрқалик билан овозини баралла қўйиб, бақриб йиғлаб юборди.

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА

Oilavajamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета
Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди
Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Вуюртма Г – 826. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади – 5021. Ваҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Навбатчилар: Ҳ. Мусурмонова
Б. Саймолов
С. Сайдалимов
А. Маликов
Мусаҳҳиҳ:
Саҳифаловчи:
Газета тахририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.
ISSN 2010-7609
722010760007
1 2 3 4 5